

mukammal biluvchi, dunyo dinlari tarixi, islom dini va dunyoviy fanlarning rivojlanishiga katta hissa qo‘shgan allomalar merosi, milliy va xorijiy qadamjolar, me‘moriy obidalar tarixi haqida chuqur bilimga ega bo‘lgan mutaxassislar tayyorlanadi. Bu vazifalarni samarali amalga oshirish esa ilmiy-ta’limiy hamkorlikni yanada kengaytirish, tajriba almashish va qo‘shma ilmiy loyihalarni rivojlantirishni talab etadi.

Jahon turizm industriyasida kechayotgan global transformatsiya va raqamlashtirish jarayonlari mazkur sohani iqtisodiyotning an’anaviy tarmog‘idan yuqori texnologik va innovatsion ekotizimga aylantirdi. O‘zbekistonning boy madaniy-tarixiy va diniy merosi, ayniqsa, mingga yaqin islomiy va 500 dan ortiq turli konfessiyalarga tegishli ziyorat obyektlarining mavjudligi mamlakatni global ziyorat turizmi markazlaridan biriga aylantirish uchun mustahkam poydevor yaratadi. “O‘zbekiston – 2030” strategiyasida belgilangan maqsadli ko‘rsatkichlarga (20 mln. xorijiy va 3 mln. ziyorat turizmi sayyohlari) erishish faqatgina an’anaviy infratuzilmani rivojlantirish bilan cheklanmay, sohaga Smart-Tourism (Aqlli turizm) konsepsiyasini, 3D modellashtirish va VR/AR texnologiyalarini jadal joriy etishni taqozo etadi.

Shu bilan birga, turistlar oqimining keskin ortishi ziyorat obyektlarining ekologik barqarorligini saqlash va “yashil turizm” tamoyillarini integratsiya qilish zaruratini yuzaga keltiradi. Bunday ko‘p qirrali va yuqori texnologik vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirish esa to‘g‘ridan-to‘g‘ri kadrlar salohiyatiga bog‘liq. O‘zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi singari tayanch oliy ta’lim muassasalari tomonidan ham diniy-tarixiy, ham raqamli va til bilish kompetensiyalariga ega bo‘lgan zamonaviy mutaxassislarning tayyorlanishi milliy turistik mahsulotning xalqaro bozordagi raqobatbardoshligini ta’minlovchi eng asosiy drayver hisoblanadi. Bozor talablariga mos innovatsion kadrlar tayyorlash va ilmiy tadqiqotlar ko‘lamini kengaytirish O‘zbekiston turizm industriyasining barqaror va uzoq muddatli rivojlanishining kafolatidir.

Нурислом ТУХЛИЕВ,

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси, академик,
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси профессори, и.ф.д.*

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация. Мазкур тезисда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таҳлил қилинган. Туризмнинг иқтисодий ўсишидаги аҳамияти, ЯИМ динамикаси ва 2025–2030 йилларга мўлжалланган асосий мақсадли кўрсаткичлар ёритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон – 2030, туризм, ЯИМ, иқтисодий ўсиш, туристик хизматлар экспорти, ички туризм, ташқи туризм, туристлар оқими, туризм кластери, инвестициялар.

Аннотация. В тезисе рассмотрены приоритетные направления развития туристической отрасли в рамках Стратегии «Узбекистан – 2030». Освещены значение

туризма для экономического роста, динамика ВВП и основные целевые показатели развития туризма на 2025–2030 годы.

Ключевые слова: Узбекистан – 2030, туризм, ВВП, экономический рост, экспорт туристических услуг, внутренний туризм, международный туризм, туристический поток, туристический кластер, инвестиции.

Abstract. This thesis examines the priority directions for tourism development within the framework of the “Uzbekistan–2030” Strategy. It highlights the role of tourism in economic growth, GDP dynamics, and the main tourism development targets for 2025–2030.

Keywords: Uzbekistan–2030 Strategy, tourism, GDP, economic growth, tourism service exports, domestic tourism, inbound tourism, tourist flow, tourism cluster, investments.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг энг динамик ва юқори мультипликатив самарага эга тармоқларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мазкур соҳа мамлакатларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш ҳамда халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим ўрин тутди. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган геосиёсий зиддиятлар, иқтисодий инқирозлар, транспорт-логистика занжирларидаги узилишлар ва глобал хавф-хатарларга қарамасдан, туризм соҳаси қайта тикланиш босқичига кириб, барқарор ўсиш тенденцияларини намोён этмоқда³.

Соҳага салбий таъсирлар кучли бўлса-да, лекин барибир инсониятда туризмга мойиллик кучли, кишилар узоқ-узоқ жойларга бориб, бетакрор табиат ва унинг ранг-баранг манзаралари, ўша халқнинг маданияти, тарихи ва урф-одатлари билан танишишни хоҳлайди. Бунга иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, ўрта синфнинг шаклланиши бориши, аҳоли даромадлари ва маданий савиясининг ўсиши катта имконият яратади.

Албатта, туризм ривожланишини миллий иқтисодиёт ривожланиш контекстида кўриш керак. Яъни туризм ривожланиши умумиқтисодий ривожланишдан паст бўлмаслиги, аксинча устун бўлиши керак. Чунки туризм локомотив соҳа ҳисобланади, яъни унинг ривожланиши 30 дан ортиқ соҳаларнинг (саноат, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари) ривожланишига туртки беради, яъни синергетик самара ҳосил қилади. Ўз навбатида ривожланган иқтисодиёт мамлакатда туризмни ривожлантиришга муҳим иқтисодий омил бўлиб хизмат қилади.


Маълумки, 2023 йил 11 сентябрда Президент фармони билан 2022-2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинган эди. Бу стратегия мувофиқ 2030 йилга бориб Ўзбекистонда ЯИМ ишлаб чиқариш икки баробарга ўсиб, 160 млрд. АҚШ долларини ташкил этиш керак эди (1-расм).

Бу стратегия мамлакат тараққиётининг ўрта муддатга мўлжалланган устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда самарадорлик кўрсаткичларини белгилаб берган эди.

Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги тебранишлар, саноат ва технологияларнинг кескин ривожланиши,


³ UN Tourism Data Dashboard. URL: <https://www.untourism.int/tourism-data/un-tourism-tourism-dashboard>

энергетика бозоридаги трансформация, глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши янги ёндашувларни талаб қилмоқда.



1-расм. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг истиқболли динамикаси (2023-2030 йиллар)⁴

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳозирги умумжаҳон тенденциялари, глобал ўзгаришлар ва янги чақириқларга уйғунлигини таъминлаш мақсадида 2023-2025 йилларда эришилган ислохотларнинг кўрсаткичлари ва ўтказилган баҳолаш натижалари асосида янгиланган 2026-2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқариш ва ҳаётга татбиқ этилмоқда (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида YIM ҳажми ва жон бошига YIMнинг ўсиш динамикаси (2021-2025 йиллар)⁵

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ–158-сон Фармони асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2-расм маълумотлари 2021 йилдан мамлакатимизда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари мунтазам янгиланиб борганини кўрсатади. Агар 2021 йилда ЯИМ 81,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 147 млрд. АҚШ долларидан ошди (81% ўсиш). Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ умумий ўсишга монанд равишда 2325 АҚШ долларидан 3844 долларга етди (65%).

Бу қадар юқори ўсиш суръатлари 2025-2030 йилларда ҳам иқтисодий ривожланишнинг барқарор давом этиши учун мустаҳкам замин ҳозирлади. 2030 йилга бориб мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ЯИМ ҳажми 240 млрд. АҚШ долларига етиши, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 5,8 минг долларга чиқиши прогноз қилинмоқда (3-расм). Бу эса аҳоли даромадлари ва истеъмол салоҳиятининг ошиши, инвестиция фаоллигининг кенгайиши ҳамда хизматлар соҳаси, жумладан, туризм индустриясининг жадал ривожланиши учун қўшимча имкониятлар яратишини аниқлатади.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг прогноз динамикаси (2025-2030 йиллар)

Натижада мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш учун мустаҳкам иқтисодий асос яратилади. Туризм соҳасининг ЯИМдаги улуши икки баробарга, туризм хизматлари экспорти ҳажми камида 25 фоизга ошади (1-жадвал).

Албатта, бундай юқори ўсиш суръатларига осонгина эришиб бўлмайди. Бунинг учун ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратилиши лозим бўлади. Хусусан, хорижий туристлар йиллик сонини 11 млн. кишидан 20 млн. кишига етказиш, ички саёҳатларнинг республика бўйлаб 25 млн. сафарини амалга ошириш, туризм кластерлари сонини ҳозирги 5 тадан 25 тага етказиш, халқаро брендли меҳмонхоналар сонини икки баробарга ошириш, туризм маҳаллалари ва қишлоқлари сонини 39 тадан 140 тага етказиш, сайёҳларни қабул қилиш қилувчи жойлаштириш объектларидаги ўринларни 185 мингдан 340 мингга етказиш керак бўлади. Бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароитлар ва меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилмоқда, хорижий ҳамда хусусий инвестицияларни жалб қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ва прогноз параметрлари (2025-2030 йиллар)⁶

Ўзбекистонда ташқи ва ички туризми ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш	Туризм ривожланишининг асосий кўрсаткичлари	2025	2026	2027	2028	2029	2030
	Туризм соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 7 фоизга етказиш	3,5	3,7	4,2	4,9	5,8	7
	Туризм хизматлари экспортини 6 миллиард долларга етказиш	4,8	5,2	5,4	5,6	5,8	6
	Хорижий туристлар йиллик сонини 20 миллион нафаргача етказиш	11	12	13,5	15,2	17,5	20
	“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида ички сайёҳларнинг республика бўйлаб 25 миллионга сафарларини амалга ошириш	23,7	24	24,3	24,6	24,8	25
	Хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига туризм кластерлари сонини 25 тага етказиш	5	9	13	15	20	25
	Халқаро брендли (юлдузли) меҳмонхоналар сонини 2 бараварга оширишга эришиш	24	30	35	40	44	48
	Меҳмонхона, меҳмон уйлари ва хостелларда меҳмон ўринлари сонини 240 мингтага етказиш	185	198,3	208,3	218,1	227,7	240
	Худудларда қўшимча 20 та дор йўллари қуриш	5	3	6	10	14	20
	Туризм маҳаллалари ва қишлоқлари сонини 140 тага етказиш	39	54	72	92	115	140

Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши туризм соҳасининг иқтисодийдаги ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, хизматлар сифатини ошириш ва худудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш натижасида Ўзбекистоннинг халқаро туристик бозордаги рақобатбардошлиги ортиб боради. Натижада туризм миллий иқтисодийнинг юқори қўшилган қиймат яратувчи ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи стратегик тармоқларидан бири сифатида мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони.